

# ХАЛҚ СЎЗУ

ХИЖРИЙ,  
ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ,  
САФАР, 28-КҮН.  
●  
ШАМСИЙ,  
1374 ЙИЛ,  
СУМБУЛА, 6-КҮН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 28 АВГУСТ, ЖУМА, 167-СОН • 418 •

НАРХИ: сотувда 2 СҮМ.



## ИСТИҚЛОЛ ШОНИНИ ҚУЧГАН ЭИ ДИЁР, БАҒРИНГДА ЯШНАСИН ҲАМИША БАҲОР!

• Ўзбекистон—Украина:

### ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

25 август куни Киев шаҳридаги Мария саройида икки мустақил республика—Ўзбекистон ва Украина ўртасида шартнома имзоланди. Президентлар Ислоҳ Каримов ҳамда Леонид Кравчук ўзлари имзоланган ҳужжатлар ҳусусида аър мамнуният изҳор қилди. Бу шунчаки одоб юзасидан айтилган гап эмас: Ўзбекистон ва Украина давлат делегациялари ўртасидаги музокара натижалари қўйилганидан андеша бўлди, музокаралар самимий ҳамжиҳатлик муҳитида, амалий вазиятда ўтди.

Республикамиз мустақилликка эришган пайтдан бундан ўзбекистон мустақил давлат сифатида, кўпгина мамлакатлар билан шартномалар ва битимлар имзоледи. Умуман бир битимни имзоланишига қийинлик туғдирилганда, бу битимнинг самаралироқ, бошқасини ахамияти намроқ деб ҳисоблаш мумкин эмас. Киевда тузилган шартномани ўзга давлатларга ҳужжатларга қўйилмайдиганлигини айтиш мумкин, бу шартнома икки давлат сўбасида алоҳида ўрин тутадди.

Биринчидан, Украина ҳам, Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган катта давлатлардир. Иккала мамлакат бир-бирини тенг ҳуқуқли ҳамкор деб ҳисоблайди, уларнинг ҳамкорлиги янада мустақилликни таъминлашнинг гарови бўлиб қолгани, собиқ Иттифоқнинг тарқалиши кетишидан норози бўлаётган кучларнинг таъсирига биргаликда қарши туриш имкониятини беришига ишонидилар.



Суратда учрашу пайти. ҲА сурати.

Иккинчидан, иккала давлат халқларининг қадимий тарихи ва маданияти бор. Буюк маънавий қадриятларга эга бўлган бу халқлар қарамлигидаги турмуш қийинчиликларини бир-бирига қўйиб қўйиб, бир-бирини тенг ҳисоблайди, уларнинг ҳамкорлиги янада мустақилликни таъминлашнинг гарови бўлиб қолгани, собиқ Иттифоқнинг тарқалиши кетишидан норози бўлаётган кучларнинг таъсирига биргаликда қарши туриш имкониятини беришига ишонидилар.

Иккинчидан, иккала давлат халқларининг қадимий тарихи ва маданияти бор. Буюк маънавий қадриятларга эга бўлган бу халқлар қарамлигидаги турмуш қийинчиликларини бир-бирига қўйиб қўйиб, бир-бирини тенг ҳисоблайди, уларнинг ҳамкорлиги янада мустақилликни таъминлашнинг гарови бўлиб қолгани, собиқ Иттифоқнинг тарқалиши кетишидан норози бўлаётган кучларнинг таъсирига биргаликда қарши туриш имкониятини беришига ишонидилар.

Европадан Ўзбекистонга келтирилган юклар учун очилди. Ўзбекистоннинг қардош Туркия билан алоқаларини ривожлантиришига Украина давлатининг хайрихоҳлиги ҳам катта аҳамиятга молик. ҲА навбатида Ўзбекистон ҳам Украинанинг қўшни Туркия билан ҳамкорлигига икбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бошқа мамлакатлардан келаётган юклар тўғрисида гапирмаганда ҳам Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги бевосита алоқаларини, иккала томонга юклар мухтазам қўйиб турилганлигини унутмаслик керак. Иккала мустақил давлат кўпдан бундан ўзро манfaatли иқтисодий ҳамкорлигини бошлаб юборган. Президентлар Исмоҳ Каримов билан Леонид Кравчук имзоланган шартнома бундан ҳамкорлигини расмийлаштирди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасида тузилган шартнома давлатларо муносабатларнинг ҳамма соҳаларининг қамраб олади. Бу шартнома тўла ва муфассал ишлаб чиқилган ҳужжатдир. Унда жаҳоншумул муаммолардан тортиб, майда-чуйда тафсилотларга ҳам эътибор берилган. Шунинг учун, бир давлатдан берилган дипломатик бошқа давлат ҳудудида ҳақиқийлиги масаласи ҳам ақс этган. Мамлакатлар ўртасидаги маънавий ва маданий алоқаларини ривожлантириш, хусусан илмфан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик гоят иштибоқлидир.

Энг муҳими шундаки, жуда кўп одамларнинг меҳнат ва тажрибаси натижа-

сида тайёрланган бу муҳим давлатларо шартномани амалга ошириш йўлида ҳеч қандай ров йўқ. Ўзбекистон билан Украина ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ҳалоллик ва ўзаро ҳурматга асосланган давлат алоқаларининг мустақкам амаллари мавжуд.

Шартнома имзолангандан сўнг Президент Каримов мухбирлар билан қўсқача учрашу чоғида ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳаминша дўстлик ва ҳамжиҳатлик қондаларига асосланганини таъкидлади. Юқорида айтганимиздек, бу сўзларда ҳам муболага йўқ — воқеликнинг эътирофи этилишидир. Сафар чоғида Ўзбекистон раҳбарига олий мартабали меҳмонларга хос ҳурмат бажо келтирилди. Украина ва украин халқининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига самимий ҳурмати ҳар қадамда сезилиб турарди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик иштибоқлиги порлоқлигига шубҳа йўқ. Киев шаҳридаги учрашудан чиқарилган асосий ҳулоса шунки, иккала мамлакат бир-бирига жуда зарур, бунга иккала томон ҳам ишонди.

Қадим замонлардан ҳозирги пайтгача Украина ва Ўзбекистон халқлари ҳаётида муштарак жиҳатлар кўп бўлган. Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги снсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик нақадар тез ва самарали ривожланган, улар ўз мустақиллигини шу қадавр тез ва муваффақиятли мустақкам қилиб оладилар. Бу ҳақиқат Президент Исмоҳ Каримов ҳам, Президент Леонид Кравчук ҳам яхши англаб олдилар.

**И. ГРУШКО,  
А. СИРОКИДНОВ,  
М. ХҲАЕВ,  
ҲАА махсус мухбирлари.**

### МУСТАҚИЛЛИК— РҮШНОЛИК, МУСТАҚИЛЛИК— ИСТИҚБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING РАИСИ Ш. М. ЙҮЛДОШЕВ МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

**— Шавкат Муҳиддинович, мустақилликка эришиш учун босиб ўтилган йўл, қилинган ишлар тўғрисида гапириб берайсиз.**

— Халқимиз қалбда озодликка, ҳурликка интилиш, эркинлик гоялари ҳаминша жўшиб турган, ўзини ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар деб билган фуқароларига давлат мустақиллик улуғ орзу бўлган. Шу йўлда қанча қўрбонлар берилди, қанчадан-қанча оғир кўнлар халқимизнинг бошига тушди. Ватанимизнинг миллий озодлик учун курашган кўнлар фарзандларини қўн бўлди, қамабди. Йўқ қилиб юборилди. Шунинг учун, бунинг мустақилликка бутун халқ, унинг фидойи фарзандлари йиллар давомида замин яратганлар десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Бахтимиз бор эканки, шу ўзаролиқларнинг гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлиш насиб этди.

Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор — муайян муаммо ҳал бўлиши учун шунга мос, объектив шарт етилиши ва шу масалани ечишга қўн етадиган шахслар бўлиши шарт. Акс ҳолда, ёки кулай имконият қўлдан бой берилди, ёки қўн шартнома ҳақ қандай уринишлар беҳуда кетади. Мен ўйламанки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда айнан шу ишни талабга тўла жавоб берадиган ваъит тўғрисида ўтган вақтни яна бир аслайдик. Собиқ Иттифоқ даврида, КПСС Марказий Комитети тўла ҳукмронлик қилиб турган вақтда «пахта иши» деб ноҳақ жабрланган республикамиз фарзандларининг номини оқшатиш, ҳалқимиз бошига ёдрилган бўхтонлар асосини эъзанини бутун дунёга аён қилиш, Москванинг тоширигига биноан, кўр-кўрона бирлаштирилган иллотларини, шунинг учун ва районларни қайтадан тиклаш ва шу каби ишлар республика раҳбарияти томонидан қатъий билан бошлаб юборилди. КПСС Марказий Комитети Снсий бюросининг, шаҳсан СССР президенти М. Горбачёвнинг қатъий қаршилигига қарамай, бизнинг республикада биринчи бўлиб президентлик лавозини жорий этилди. Министрлар Совети Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди ва ҳуқуқматта бевосита Президент раҳбарлик қилдирилган бўлди. Биз ўша даврда мустақил йўлидан дадил қадам ташлашнинг бошлаганимизнинг яна бир далили шундани, тахминан, 1990 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб айрим оқори лавозимларга тайинлаш учун тасий этилган номзодлар Москвада сўхбатдан ўтишига барҳам берилди ва бу масалалар республикамизнинг ўзиде узи-қилиб ҳал қилинаверди. Шу ўринда халқимизнинг улуғ фарзанди Шапроф ака Рашидовнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, марказдан юборилган кўнлар «десагчларнинг қўнлиқларини фоз этиш ҳам республика раҳбарияти бошлаганини эътиборга олиш мумкин. М. Горбачёв бошчилигида ўт-

### УКРАИНА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ И. А. КАРИМОВНИ УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭҲТИРОМ ФАХРИЙ НИШОНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҲҲИСИДА

Давлатларо муносабатларини, Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда мустақкамлашдаги алоҳида хизматлари учун қарор қиларман: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исмоҳ Каримовни Украина Президенти Киев шаҳри, 1992 йил 25 август.



СУРАТЛАРДА: 1. Украина Президентининг украин тилидаги фармони. 2. Эҳтиром фахрий нишони. ҲАА суратлари.

### МУШТАРАК МАНФААТЛАР

Аниқта саволларига республика прокурори, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Бўришо мустақамов жавоб беради

1. Шаҳсан Снз учун республика мустақиллиги нима билан биргаликда ва унинг кейинги ривожини қай йўналишларда кўрасиз?

2. Ҳар бир ўзбекистонликда ватанпарварлик, суверен давлатимизнинг кўп миллатли халқга тааллуқли эканлигидан фазиланиш туғилуларини мустақамлаш учун Снзнингча нима қилиш керак?

3. Мустақил Ўзбекистоннинг раванг топиш йўлидаги ўз шахсий ҳиссангиз нима билан кўрасиз?



1. Бу воқеа ҳар бир ўзбекистонлик учун бағоят секинчи, оламшумул сена бўлади. Агар мен Ўзбекистон учун мустақилликни узоқ вақт тутиқлида сақлаган лочиннинг самоза парвозига, кишанларнинг парвонаб, озодликка тирмашиб чиққан бандининг ҳолатига ўхшасам, асло муболага қилмаган бўлардим. Шу сабабдан ҳам мазкур санани республикада катта бейрам тариксиде ўтказилиши адолатлидир.

Мана шундай сарафроз кайфият биз — прокуратура ходимларини ҳам туқилантириб юборди. Ахир, шу вақтгача прокуратура энг марказлашган идора ҳисобланарди. Ишнинг ташкил қилишда биринчи навбатда жойларда қонунчилик, жиноятчилик ҳолатидан эмас, собиқ ССЖИ Бош прокурорининг буйруқ ва курсетмаларидан келиб чиқшга мейл бур бўлардим. Қонунларимизни марказдан келган андозаларга мувофиқ қабул қилиниши етмагандек, иттифоқ қонунлари билан республика қонунлари айрим-айрим жабҳаларда бир-бирига зид келиб қолганда устиворлик иттифоқ қонунларига берилиши белгилаб қўйилган эди.

Ҳин-жингача республика прокуратураси раҳбарлигига эмас, балки энг муҳим жабҳалар ҳисобланувчи тергов ва кедарларга раҳбарлик қилувчи лавозимларини ҳам юртимизга «десагчлар» санди келган олирлар эгаллашган тартиб бўйича иллот прокурорлардан тортиб, республика прокурорига қадар юқори лавозимларга мутлоқ ССЖИ Бош прокурорининг буйруғи билан таъинланар, республика прокуратураси ҳар бир босган қадами ҳақида Москвага доимо бир кўл-бир кўл ҳисоботларини юбориб туришга мейл бур эди.

Шу сабаблардан ҳам айнан биз учун мустақиллик марказининг исканжасидан ҳалос бўлиш, республикамизни қонунчилигининг ишонли қосбонига айланиши билан бўларди.

Мустақиллик, деб фақат айтишнинг осон. Унинг та-

рихий, снсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа қирраларни ҳар бир фуқаро каби мен учун олам-олам маъно касб этади. Бунинг бўлиб ўлаётган воқеалар асрлар давомида илм-маърифат, табобат, саркардалик билан оламга танлган Ўзбекистон учун унинг шўхратли йўлининг давомидир. Шу билан бирга ҳуқуқшу-сос сифатига мустақиллик ҳақда қилган инъомларни, яъни ҳақиқий демократияга қадам қўйилиши, яқдиллик билан кўн кўтаришдан бошқа нарсага ярамай диган мажлисболлик ўрнига жўшқин, адалатпарвар, тақомиллашган Парламент томонидан халқнинг икти-моий ҳимоясини кўзаловчи қонунлар қабул қилинаётганини кўрсатиб ўтмоқчиман. Шундай экан, мен келгусидаги йўлимининг фақатгина демократия йўналишида кўр-рлман. Халқимизнинг снсий онгининг тобора шаклланиб бориши ҳам, асрий кедриятларини ҳам ушбуни тақозо қилади.

(Давоми 2-бетда).

### ТУРКИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪОЛАРИНИНГ САФАРИ

Кеча, 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тақлифига биноан Туркия Республикаси парламенти делегацияси Тошкентга расмий дўстлик сафари билан келди. Делегацияга Буюк миқдот мажлиси Раисининг ўринбосари жаноб Фейми Шинкер бошчилик қилмоқда.

«Тошкент-2» аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари В. И. Бургов ва бошқа расмий кишилар кутиб олинди.

Парламент делегациясининг сафар дастурида Олий Кенгашида учрашу ўтказилиши, вилот ҳокимлари билан сўхбатлашши, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хи-ва шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш, санаот, қишлоқ ҳўжалик корхоналарига, бориш, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йилгига бағишланган тантаналарда иштирок этиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).











